O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 9 июнь, № 112 (4265) Шанба


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 8 июнь куни Оқсаройда Корея Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Кёнг Джэ Мин ва Йан Чарльз Макдональд Келли ишонч ёрлиқларини топширди.**

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлари билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-шарқий Осиёдаги энг ишончли шерикларидандир. Икки мамлакат ўртасида олти марта олий даражадаги ташриф бўлиб ўтди. 2006 йил мартда Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи асносида Президентлар – Ислом Каримов ва Но Му Хён Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ўзаро муносабатлар ана шу ҳужжат руҳига мос тарзда ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланаётир. Корея Республикаси Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик парламент уюшмаси тузилган. Олий Мажлисда Корея билан ҳамкорлик гуруҳи таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий шериклари орасида Корея Республикаси етакчи ўрин тутади. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 613 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 45 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатяпти.

Ушбу мамлакатнинг янги тайинланган элчиси Кёнг Джэ Мин билан суҳбат чоғида муносабатларни барча соҳаларда янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, кореялик дипломат иқтисодий ҳамкорлик қамровини кенгайтириш учун имкониятлар кўп эканлигини, бу хайрли мақсад йўлида куч-ғайратини аямай меҳнат қилишини таъкидлади.

Буюк Британия ишбилармон доираларида ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш катта. Буюк Британия савдо таснифида Ўзбекистон "стратегик бозор" гуруҳидаги мамлакатлар сафига киритилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Буюк Британия сармояси иштирокида тузилган 195 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Буюк Британиянинг 55 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Умуман, Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири саналади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 254,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгашининг 2006 йил апрелда бўлиб ўтган 13-мажлиси ҳамкорлик кўламини ошириш учун катта салоҳият мавжуд эканлигини яна бир бор намойиш этди. Айниқса, тоғ-кон саноати ва нефть-газ соҳаси устувор аҳамиятга эга.

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилгани гуманитар ҳамкорлик самарасига ёрқин мисол бўла олади. Икки мамлакат олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. "Соғлом авлод учун" ва "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари билан "British East-West Centre", "Everychild", "World Vision", "Oxfam", "HealthProm" каби ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган.

Фанлар академиялари, қатор олий таълим муассасалари яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ва Лондон археология институти ҳамкорлигида кўҳна Ахсикет (Фарғона вилояти) шаҳрида қадимги металлургия ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари ишга солинмоқда. Ўтган йили Лондонда Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти ва имкониятларига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида британиялик дипломат Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан беҳад мамнун бўлганини, юртимиз гўзаллиги, айниқса, Тошкентнинг кўрки ўзини мафтун этганини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш йўлида хизмат қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

**(ЎзА)**

## ОЛИЙ СУДДАГИ УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди миллий суд маъмурияти вазирининг ўринбосари Ча Хан Сонг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилнинг август ойида "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонларининг эълон қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолангани қайд этилди.

Кореялик меҳмонлар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жаҳон андозаларига мос равишда қабул қилинаётган кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатларга юқори баҳо бердилар.

— Ташриф асносида юртингизда кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократ-

(Давоми 2-бетда).




*Айтайлик, катта каналлар ёқалаб юрсангиз, гувиллаб ишлаётган кучли сув насосларига кўзингиз тушади. Қуввати 3 минг кВтгача бўлган ушбу қурилмалар қувурлар орқали далалар, боғроғларга оби-ҳаёт етказиб бермоқда.*



### Модернизация:

## АЪЛО СИФАТГА КАФОЛАТ

Пойтахтимиздаги "Сувмаш" очиқ акциядорлик жамияти, 35 йилдирки турли русумдаги сув насослари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш билан шуғулланиб келмоқда. Корхона бу борада нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам карвонбошиликни қўлдан бермай келаётир. Айниқса, корхонани модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани иш суръати ва сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирда "Сувмаш" ОАЖда салкам 40 турдаги насос ва агрегатлар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, қишлоқ ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган "ЭЦВ", "А50ГО", "А40ГЦ", "ГрУ" каби қурилмалар аввал хориждан келтирилган бўлса, эндиликда ушбу маҳсулотлар ички бозорни тўлдирибгина қолмай, экспорт ҳам қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Кучлилар сараланмоқда

Самарқандда ўтказилган "Универсиада — 2004" мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси олий ўқув юртлари вакиллари спортнинг айрим турлари бўйича паст натижа кўрсатишганди. Шу боис бу ерда навбатдаги спорт анжуманига ҳозирлик ишлари анча барвақт бошланди.

Терма жамоага Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтидан спортда ўз истеъдодини намоён этган йигит ва қизлар саралаб олинди. Тошкент Аграр университети ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалларидан ҳам кучли спортчилар жалб этилди.

Айни кунларда терма жамоа аъзолари Нукус шаҳридаги спорт заллари, майдончалари, замонавий "Жаслиқ" спорт манежида сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришмоқда.

— "Универсиада — 2004" спорт ўйинларида волейболчи йигитларимиз фахрли иккинчи ўринни олишган эди, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети спорт клуби раҳбари Юрий Кулаков. — Баскетболчи қизларимиз олтинчи ўрин билан қаноатланишди. Бу йил умумжамоа ҳисобида юқори ўринлар учун баҳс юритамиз.

***Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.***

### БАҲРАЙН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ:

## «ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ГАНЖИНАСИДИР»

***Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифанинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбатда вазир жаноблари сафар якунлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.***

**— Вазир жаноблари, Сиз Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрдингиз. Мамлакатимизга буюрган ушбу ташрифингиздан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни билишни истар эдик.**

— Биз бу ташрифга жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Жорий йилда Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлади. Ташриф доирасида мусулмон дунёсининг энг маърифатпарвар йўлбошчиларидан бири, ўз халқини асраб-авайлаётган ва мамлакатнинг янада тараққий этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноблари мени қабул қилгани камина учун катта шарафдир.

Ўзбекистонга келишимиздан кўзланган асосий мақсад халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳурмат-эҳтиром туйғуларига асосланган ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни қуришдан иборатдир. Ташриф чоғида мамлакатларимиз ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Савдо ва сармоялар соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Жумладан, Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларни имзолаш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда биз баҳрайнлик банк соҳаси вакиллари ва ишбилармонларнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш масаласи устида иш олиб бораётирмиз. Сайёҳлик соҳа-

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА



*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида белгиланганидек, "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга".*

*Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалалари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтган қуйидаги сўзлар бунга ёрқин далил бўла олади: "Табиийки, "Ижтимоий ҳимоя йили"да эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўгитлари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз".

Изчил амалга ошириб келинаётган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва бу йўналишдаги ишларни кучайтириш, аниқ йўналтирилган тарзда кўрсатиладиган ёрдам самарадорлигини

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



*8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

*Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдим этилган кун тартибини тасдиқладилар.*

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Н.Аҳмаджонов тақдим этди. Ҳужжатнинг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган муҳокамаси чоғида депутатлар уни такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тақдим этилди. Савол-жавоблардан сўнг депутатларнинг ҳужжатни такомиллаштиришга оид таклифлари эшитилди ва муҳокама қилинди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилди ва масъул қўмитага лойиҳани иккинчи ўқишда муҳокамага киритиш учун такомилига етказиш вазифасини топширди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ғ.Сафаров маъруза қилди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар жамиятимиз ҳаётининг тегишли соҳаларида ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда суғурта фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш муҳим ўрин тутишини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва лойиҳани биринчи ўқишда қабул қилди.

**(ЎзА)**

## «ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ ва энг азиз" танловига таклиф этади.*



**"Энг улуғ ва энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- *ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;*
- *босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;*
- *телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;*
- *тасвирий санъат асарлари;*
- *кино санъати асарлари.*

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

- *муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
- *муаллифнинг паспорти нусхаси;*
- *иш жойидан тавсиянома;*
- *муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.*

**Ижодий ишлар «Энг улуғ ва энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2007 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.

**Телефонлар: 144-32-33; 144-64-62; 144-57-24; 144-11-64.**





*Яқинда таҳририятга ўғлининг аскар бўлганидан қувонган, кўнгли ғурурга тўлган термизлик Рустам Бадиевдан хат келди. Айни пайтда ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтаётган ўғли Русланнинг қасамёд қабул қилиш маросимида иштирок этган отанинг ҳайратлари унинг мактубида кўриниб турибди. «Қаранг, ўғлим кечагина ёш бола эди. Бугун алпқоматли келишган йигитга айланганини сезмай қолибман. Ҳарбий кийими ўзига бирам ярашганки, кўриб кўзинг қувнайди».*

# АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

Ота-оналардан бу каби ғурур ва қувонч онлари ифодаланган мактублар таҳририятимизга кўплаб йўлланмоқда. Уларнинг ҳар бирида самимият, меҳр йўғрилган.

Ҳа, бугун юртимизнинг ҳар бир ўғлонига аскар бўлиш, ҳарбий кийим кийиш фахр. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча ҳарбий қисмларда яқинда хизматга чақирилган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар эса юзи ёруғ бўлиб ўз уйларига қайтмоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз, юз-кўзида босиқлик, юриш-туриши ўзгарган. Ҳар бир гапни ўйлаб гапиради. Уларнинг сўзларини тинглар экансиз, елкасида катта бир масъулият борлигини ҳис қилиб турганини англайсиз.

— Ота-онамнинг меҳри соясида қийинчилик кўрмай катта бўлдим, — дейди пойтахтлик Камолиддин Муслимов. — Отамнинг танбеҳлари қулоғимга кирмасди. У қанча танбеҳ бермасин, мени барибир яхши кўришини билардим.

Ҳарбий хизматга бордиму, ҳаётим бирдан ўзгариб кетди. Тонг саҳардан то кечга қадар турли машқлар бажарамиз. 10-20 километрлик масофаларга югурамиз. Бу мендек бир эрка бола учун бошида анчайин қийин кечди. Аста-секин барчасига ўрганиб кетдим. Ҳаётга қарашларим ўзгарди. Жисмонан бақувват, маънан етук бўлишга интила бошладим. Жамиятда бусиз ўз ўрнимга эга бўлишим қийин эканлигини тушуниб етдим.

**▼ Бурч**

Бугун армияга борганимдан фахрланаман. Мени миллий армиямиз toблади, иродамни мустаҳкамлади. Ўзимга ишончим ортди.

Йигитлик бурчимни тугатиб, уйимга қайтдиму, ўқишга тайёргарлик кўришни бошладим. Ҳарбий қисмимиз қўмондонлиги томонидан берилган тавсияномага асосан, қолаверса, мақсад сари интилишим туфайли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабасига айландим. Бундан ортиқ бахт борми?!

Йигитлик бурчини муносиб ўтаганларга ҳукуматимиз ҳам катта имкониятлар яратиб бермоқда. Бугун мазкур институтда таҳсил олаётган Камолиддин Муслимов йиллик шартнома пулининг маълум қисми "Камолот" ЁИҲ томонидан тўлаб берилмоқда.

— Қишлоқда чанг тўзитиб юрган бола эдим, — дейди қашқадарёлик Худойқул Каримов. — Қишлоғимиздаги касб-ҳунар коллежини битиришим билан ҳарбий хизматга чақирилдим.

Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўзбек аскари бўлишдек бахтга муяссар бўлдим.

Сафар халтамни елкамга ташлаб уйдан кетаётганимда онам кўз-ёш тўкдилар. «Ўғлинг йигитлик бурчини ўтагани кетаяпти. Бундай шарафли ишга кетаётган йигитни йиғлаб кузатмайдилар» дея отам ойимга юмшоққина танбеҳ бердилар. Онамни тушунса бўларди, чунки у кишининг назарида мен ҳамон мурғак боламанда.

Ҳаш-паш дегунча, мана, бир йил ўтиб кетди. Ўз уйимдан ҳали бунчалик узоқ вақт ташқарига чиқмагандим. Тўғри, баъзида қийналдим, баъзида оиламни соғиндим. Лекин энг катта ютуғим — чиникдим. Ўзгача бир оламда, бошқача муҳитда яшаб кўрдим.

Ҳарбий кийимда тонг саҳарда уйга кириб келганимда, онам ҳовлимизни супираётган экан. Мени кўриб рости танимади. Анча пайт тикилиб турди... Онамнинг айтишича, бундан бир йил олдин анча озғин эканман. Ҳозир эса тўлишибман. Кичик жиянларим армиядан қайтганимни қариндошларимизга айтиб, суюнчи олишга югуриб кетишди.

Қувонтирган жиҳати — яқинларим, қариндошларим, ҳатто отамнинг ҳам менга нисбатан муносабати ўзгарган. Худди катта одам билан гаплашаётгандек.

Ҳозир отамга уй ишларида ёрдам бераяпман. Қишлоғимиздаги муқобил трактор паркига механик бўлиб ишга кирдим.

Ўзбек аскарлари билан қанча гаплашманг, ҳечам зерикмайсиз. Уларнинг самимий гаплари, орзу-умидлари олам-олам.

Биз бугун мақоламизда ҳарбий хизмат ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган икки инсон ҳақида тўхталиб ўтдик. Ҳаёт мактабини ўтаб қайтиб ишга жойлашган, у берган имтиёз ёрдамида олий таълим муассасаларида таҳсил олиш насиб этган ёшлар жуда кўп. Зеро, юрт, жамият ва давлат ватанига сидқидилдан хизмат қилган фарзандларини эъзозлаб алқайверади.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширишѓ, эҳтиёжманд оилаларни, ёлғиз ва кекса фуқароларни, пенсионер ва ногиронларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ана шу мақсадларга бюджет маблағларинигина эмас, балки хусусий шахслар, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташкилот ва корхоналарнинг ихтиёрий хайрияларини ҳам жалб этиш юзасидан комплекс собитқадам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлиги натижасида Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан пенсиялар тўлашга йўналтирилаётган харажатлари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари ҳукумат ҳар йили ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2007 йил 8 июнда бўлиб ўтган мажлисида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мазкур Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан ҳаракат дастури ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва жойларга юборилган бўлиб, бу дастурда пенсия таъминотини ташкил этиш, пенсияларни, ижтимоий нафақаларни молиялаштириш ва тўлаш масалалари борасида Вазирлик ва унинг бўйсунувидаги таркибий бўлинмалар вазифалари белгилаб берилган. Вазирлик тизимида ташкил этилган ва муваффақиятли ишлаб келаётган компьютер дастури пенсиялар тўловини ой сайин мониторинг қилиб бориш, пенсионерлар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар базасини такомиллаштириш, пенсияларни тайинлаш ва тўлашга оид ҳужжатларни тайёрлашни камчиликлардан холи этиш имконини бермоқда.

2007 йил 1 апрелга бўлган ҳолатга кўра, Ўзбекистонда пенсионерлар сони 2746707 кишига етган, шу жумладан 1973636 киши ёшга доир, 546706 киши ногиронлик, 226365 киши боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармонларига мувофиқ кейинги йилларда пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдори сезиларли даражада ошди. Чунончи, пенсияларнинг ўртача миқдори 2004 йилда 21560 сўм бўлган бўлса, 2006 йилда 42325 сўмга етди, ижтимоий нафақалар бўйича бу кўрсаткичлар тегишинча 12401 сўмни ва 23680 сўмни ташкил этди. Пенсиялар ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан тегишли буйруқлар чиқарилди, қайта ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилди, жойларга йўриқномалар юборилди.

2006 йилда 43896 нафар пенсионер ва ногирон ўз соғлиқларини санаторийларда, профилакторий ва дам олиш уйларида яхшилаб қайтдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш заруриятига қаратилган бир қанча таклиф ва тавсияларни билдирдилар. Парламент юқори палатаси аъзолари, жумладан, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, уларни вақтида тўлаш, ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш масалаларида Қонун талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлигига, шунингдек "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш самарадорлигини янада юқорироқ даражага кўтариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишига эътибор қаратдилар. Бундан ташқари Қўмита мажлисида давлат пенсия таъминотининг қонунчилик базасини мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ишларини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш ва кенгайтириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Адлия, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати матбуот хизмати.**



## Модернизация:

# АЪЛО СИФАТГА КАФОЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш жоизки, мамлакатимиздаги йирик "Туямўйин" гидроузели, "Тўпаланг" сув омбори, "Аму-Бухоро" канали, "Амузанг" насос станцияси каби иншоотларда ҳам мазкур корхонанинг маҳсулотлари самарали ишлаб турибди.

Мавриди келганда корхона маҳсулотлари бир неча халқаро кўргазма, танлов, ярмаркаларда намойиш этилиб, "Илғор технологияни татбиқ этгани учун", "Энг яхши экспозиция ва дизайн" каби номинацияларида ғолибликни қўлга киритганини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, Швейцария ҳамда Францияда бўлиб ўтган кўргазмаларда корхона маҳсулотлари сифат даражасига кўра "Олтин юлдуз" ҳамда "Платина юлдузи" мукофотларига сазавор бўлганлиги эътиборга молик.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг харидорга манзур қилиш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ, — дейди корхонанинг текширув-синов лабораторияси бошлиғи Завқий Ҳамзаев. — Шунинг учун ҳам ҳар бир қурилмани лаборатория шароитида синовдан ўтказамиз. Чунки даврнинг талаби сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, ички ва ташқи бозорни забт этишдир.

Корхонанинг ишлаб чиқариши ва иқтисодий салоҳияти юксалаётганини қуйидаги рақамлардан ҳам кўрса бўлади. Жорий йилнинг биринчи чорагида корхона томонидан 2031712 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 марта кўп демакдир. Ёки 2006 йилнинг биринчи чорагида 17,5 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг шу ҳолатига кўра бу миқдор 88,8 минг долларни ташкил этди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# ОЛИЙ СУДДАГИ УЧРАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бераётганининг гувоҳи бўлдик, — деди Ча Хан Сонг. — Буларнинг барчаси Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий билими ва судларга нисбатан ишончи ортишига хизмат қилади.

Музокарада икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни кореялик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини кўздан кечирдилар. Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар билан танишдилар.

**(ЎзА)**

# ЖИЛОВ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

***Бугун Наманган вилояти маркази, шаҳар ва қишлоқларидаги йўлларда қатнаётган юзлаб «Дамас», «Форд» микроавтобусларини кўрган киши жамоат транспорти тизимида хусусий секторнинг роли ошганлигини дарров сезади. Тўғри, ҳалол рақобат бозор иқтисодиётининг қонунияти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин у қонун-қоидага мос тушиши, беғараз бўлиши керак. Масалан, хусусий транспорт эгаларидан ташкил топган уюшмалар зиммасига ўзлари тендерда ғолиб чиққан йўналишларда сифатли хизмат кўрсатилишини кафолатлаш асосий вазифа қилиб қўйилган. Бунда ҳайдовчининг етарли малакага эга эканлиги, машиналар қатнови узлуксизлиги, йўлкиранинг ҳаққонийлиги муҳим шартлардан ҳисобланади. Лекин йўловчини манзилига етказиб қўяман, дея кўчага чиққан транспортчиларнинг ҳаммаси ҳам бунга риоя қилаяптими?***

Чортоқ тумани Мучум қишлоғида яшовчи Турғунпўлат Аҳмедов ўз «Дамас»ида аҳолига хизмат кўрсатади. Бироқ унинг йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи биронта ҳужжати йўқ. У ўтган йилнинг май ойида ҳам худди шундай қонунбузарлик содир этгани учун жаримага тортилган эди. Солиқчилар тўрақўрғонлик Лутфиддин Файзуллаевни киракашлик қилаётганида тўхтатишади. У қилмиши тўғри эканлиги ҳақида бирорта ҳам ҳужжат кўрсата олмади. Текширувлар чоғида бу сингари қонунбузарликлар учраб турди.

Хўш, йўловчи ташишга бел боғлаганлар ишини ким мувофиқлаштиради-ю, ким назорат қилади? Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорида бу аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, мазкур фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Айни пайтда вилоятда 78 та шундай муассаса иш олиб бормоқда. Ўз атрофига хусусий транспорт эгаларини бирлаштирган бу корхоналар зиммасига бир қатор вазифалар юкланган. Ҳақиқатда эса улар фақатгина лицензия берувчи ташкилотга айланиб қолган.

**▼ Таассуф**

Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг хизмат маданияти ҳам жуда паст. Ташвишли томони, назоратсизлик йўлкира ҳақининг асоссиз равишда кўтарилиб кетишига олиб келмоқда. Яқинда вилоят хўжалик суди лицензия талабларини бузиб, фақат даромад кетидан қувгани учун «Зумда» кўп тармоқли савдо-ишлаб чиқариш корхонасига берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Тўрақўрғон автотеххизмат» хусусий корхонаси лицензияси ўн иш кунигача бўлган муддатга бекор қилинди. Бундай чоралар бошқа уюшмалар учун сабоқ бўлиши лозим эди. Амалда эса...

— Бугун ҳудудий йўловчи ташиш транспорти тизимида бир қатор тартибсизликлар, хусусан, носоғлом рақобат борлигидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди «Ўзавтодарётранс»нинг вилоят бўлими бошлиғи Абдулаҳат Ҳусанов. — Вилоят ҳокимлигида ўтказилган муҳокамалар жараёнида бундай вазиятни ўнглашнинг амалий чоралари белгилаб олиняпти. Транспортчилар ўртасида соғлом рақобатни йўлга қўйиш, автокорхоналар техника саройини янгилаш орқалигина вазиятдан чиқиш мумкинлигини ҳисобга олиб, «Отайўл» автобуслари «Наманган Отайўл» МЧЖдан асосий таъсисчилар — «Намавтотеххизмат» ва «Чуставтотеххизмат» жамиятлари тасарруфига ўтказиб берилди. Айни чоғда, Наманган шаҳар ҳокимлиги яқин вақт ичида 100 та «Исузи» автобусларини келтиришни мўлжалламоқда. Тошбулоқдаги 161-автожамланмани ҳам 40 та янги автобус билан тўлдириш режалаштирилган.



Муассаса раҳбари таъкидлаганидек, автосаройларни техник жиҳатдан янгилангани яхши. Бироқ хусусий секторидаги транспортчилар билан ишлашни такомиллаштириш масаласини ҳал этмай туриб, мавжуд аҳволни ўнглаш мушкул. Айтайлик, бу борада бошланган ишларни охирига етказиш, яъни кафолатланган хизмат даражасига эришиш учун яна нималар қилиш керак? Бунга жавобан йўловчилар «Йўналишлар бошланиши ва охирида диспетчерлик пунктлари очилса», деган таклифни айтишмоқда. Шунда транспортлар назоратини йўлга қўйиш, қатнов изчиллигини таъминлаш имконияти бўлади. Қолаверса, бу тадбиркорлар даромадларини легаллаштириш, яъни, нақд пул тушумини кўпайтиришга йўл очади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ёш оилалар қўллаб-қувватланади

■ Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан Жиззах вилояти ҳокимлигида ўтказилган семинарда Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг моҳияти, унинг ижроси юзасидан фикр алмашилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ дастурлар белгилаб олинди.

## Самарқандда болалар маҳалласи

***Самарқанд шаҳрининг Сўғдиёна мавзесида «SOS Киндердорф интернешнл» халқаро жамияти кўмагида бунёд этилган «SOS-Самарқанд болалар маҳалласи»нинг очилиш маросими бўлди.***

■ Ота-она меҳридан эрта жудо бўлган болаларни оила шароитида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ушбу масканда 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 52 нафар бола истиқомат қилиши кўзда тутилган.

— Бундай маҳаллаларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад умуминсоний бағрикенглик ғояларини улуғлаш, турли сабаблар туфайли ота-онасиз қолган болаларни оила муҳитида тарбиялашдан иборатдир, — дейди мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «SOS Киндердорф интернешнл» халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин. — Ўзбекистонда фарзанд таълим-тарбиясида оила, маҳалланинг таъсири катта эканига гувоҳ бўлдик. Ўйлаймизки, ушбу болалар маҳалласидан ҳам келгусида жамиятнинг фаол аъзолари етишиб чиқади. Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Ушбу тарбия масканига "SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси томонидан замонавий компьютер тўпламми ҳамда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобус топширилди.

## Фойдали семинар

***Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани халқ таълими бўлими ва Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти ташаббуси билан мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.***

■ — Кўпчилик ўқувчилар олдида мактаб ва лицейларни битиргач, қандай касбни танлаш масаласи пайдо бўлади, — дейди институт проректори Равшан Исмоилов. — Янгиқўрғонлик ўқувчилар билан учрашувимиздан кўзланган мақсад уларга институтимиз, вилоятдаги бошқа олий ўқув юртлари, шунингдек, Тошкентдаги халқаро олий ўқув юртлари филиалларига қабул қилиш ҳамда уларда ўқиш шартлари ҳақида тўлиқ ахборот беришдан иборат.

## Фермерлар учун янги комбайнлар

***Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги "Учтут" фермерлар уюшмасига қарашли "Тошкент" фермер хўжалиги раҳбари Бурхон Бўронов ҳамда "Аҳрор ота" фермер хўжалиги раиси Носир Аҳроров "Пахтабанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси кўмагида "Класс Доминатор-130" русумли замонавий комбайн сотиб олдилар.***

■ Энди улар далаларида етиштирилган ғаллани ўз кучлари билан вақтида ўриб-йиғиб оладиган бўлди.

Ҳозир туманда 12 та комбайн ўримга шай ҳолга келтирилди. Ғаллачиликка ихтисослашган 736 фермер хўжалиги аъзолари мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишга жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Бу ишларда мазкур банк фермерларга яқиндан кўмак бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги техника воситалари сотиб олиш учун фермерларга 600 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

## Болалар «Коинот» қучоғида

***"Коинот" оромгоҳи Қўқоннинг энг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Шу боис, ёз келди дегунча ўқувчилар шу ерга ошиқади. Айни кунда 250 нафар ўғил-қиз ушбу севимли масканда дам олмоқда.***



■ Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгашига қарашли мазкур оромгоҳда ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта тараддуд кўрилди. Ётоқхоналар, дам олиш хоналари, чўмилиш ҳавзаси ва спорт майдончаси таъмирдан чиқарилди. Болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Оромгоҳдаги ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари ҳам болажонлар хизматида. Шунингдек, олтита спорт тўгараги мунтазам ишлаб турибди.

## Билим ва маҳорат синови

***Урганч шаҳрида «Йил тарбиячиси-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

■ Унда вилоятдаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўзларининг билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Кўрик-танлов иштирокчилари компьютер саводхонлиги, тест синовлари ва бошқа йўналишлар бўйича беллашдилар. Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Улар, шунингдек, қимматбаҳо совғалар ва эсдалик буюмлари билан тақдирландилар.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

**_Кейинги йилларда бухоролик деҳқонлар пилла, ғалла ва пахта тайёрлашда катта ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бу, албатта, қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, фермер хўжаликлари соҳада асосий кучга айланаётганининг самарасидир. Ўтган йили вилоятда пахтанинг 86 фоизи, бошоқли доннинг 90 фоизи қишлоқ мулкдорларининг ҳиссасига тўғри келгани шундан далолат беради._**

# ДЕҲҚОНГА МАДАДКОРМИЗ

Маълумотнома. Вилоятда икки йил ичида пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган 1645 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 66906 гектар ер ажратиб берилди. Айни кунларда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида 15 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотларнинг жамоалари уларга ҳамиша камарбаста. Айниқса, вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти қўшаётган ҳисса салмоқлидир. Биз шу жамият раиси Неъмат Ғаниевдан жамоада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз қишлоқ хўжалик соҳасида ривожланган давлатларда синовдан ўтиб ўзини оқлаган, самарали йўлни — фермерликни танладик. Қисқа фурсатда бу усул ўз самарасини бера бошлади. Фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиб, тўғри қилганимизни ҳаёт исботламоқда, — деди у. — Дарҳақиқат, айни шу ҳаракат қўҳна замин ҳаётига янги нафас олиб кирди. У туфайли деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Минерал ўғитларни энг қулай агротехника муддатларида етказиб бериш вазифасини эса тизимимизга қарашли 11 та туман ва битта туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» филиаллари ходимлари қойилмақом қилиб бажармоқдалар. Жумладан, ўтган йили жамиятимиз томонидан пахта ва ғалла ҳосили етиштириш учун соф ҳолда 46000 тонна азотли, 10 минг тонна фосфорли, 2800 тонна калийли ўғит ишлаб чиқарувчиларга тарқатилди. Қувончлиси, фермерлар ана шу маъданли ўғитларни тежаган ҳолда, улардан оқилона фойдаланиб, мўлжалдагидан кўп ҳосил олишга эришмоқдалар. Бурноғи йили ҳар гектар майдонга 260 килограммдан азотли, 52 килограммдан фосфорли ва 21 килограммдан калийли ўғит сарфланиб, 30,9 центнердан, жами 395365 тонна пахта ҳосили етиштирилган бўлса, бултур деярли шунча миқдордаги минерал ўғитлар ҳисобига 50 минг тоннадан зиёд юқори сифатли «оқ олтин» тайёрлангани бунинг далилидир.

**Ислоҳот**

Бу йил эса, улар органик ва анорганик бирикмалардан фойдаланиш самарадорлигини янада яхшилаш эвазига ўтган йилдагидан юксакроқ хирмон яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шуни ҳисобга олиб, биз фермер хўжаликларига бевосита яқин, қулай ҳудудларда минерал ўғитлар етказиб бериш шохобчаларини барпо этаяпмиз. 2005 йилда уларнинг сони 39 та, кейинги йили 65 та бўлган бўлса, жорий йилда 73 тага етказилди. Ҳар бир шохобчада етарли миқдорда техника воситалари ва ишчи кучи мавжуд. Бундан ташқари, корхонамиз сиғими 84 минг тонналик 31 та омборхонага ҳам эга.

Жамоамиз фермер хўжаликларини фақат минерал ўғитлар билан таъминлаш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Айтайлик, 2005 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарига 721,9 миллион сўмлик агрокимё, 150,7 миллион сўмлик автотранспорт хизматлари ҳамда 415,1 минг сўмлик бошқа турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, якунланган йилда ишлаб чиқариш соҳаси бўйича 1 миллиард 500 миллион сўмлик иш ва хизматлар бажарилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 300 млн. сўм кўпдир.

Иш кўлами ошган сайин, табиийки, даромадимиз салмоғи ҳам ортмоқда. Яъни, бир йиллик соф фойда миқдори 400-450 млн. сўмдан кам бўлмаяпти. Жорий йилда эса ана шу кўрсаткични 750-800 млн. сўмга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Тажриба қаерда жамоанинг меҳнати қадрланса, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясига жиддий эътибор берилса, ўша жойда ютуқларга-ютуқ қўшилишини кўрсатмоқда. Шу боис, биз масаланинг шу жиҳатларини назарда тутган ҳолда, иш юритишга ҳаракат қиляпмиз. Мисол учун, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурида жамоанинг ҳар бир аъзосига қулай иш шароити яратиб бериш, оилавий аҳволини яхшилаш, фарзандларининг мазмунли дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари каби бир қатор ҳаётий муҳим вазифалар ижросини таъминлаш кўзда тутилган. Бу дастурга кўра, жорий йилда ишчи-хизматчиларнинг ўғил-қизлари ёзги таътилда оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари учун 100 тадан кўпроқ йўлланмалар ажратдик. Ана шу йўлланмалар асосий қисмининг пули эса, корхоналар маблағи ҳисобидан қопланди.

Яна шуниям таъкидлаш жоизки, жамоа аъзоларининг меҳнат ва яшаш шароитларини янада яхшилаш, корхоналарда бахтсиз ҳодисалар бўлишининг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши кураш тадбирларига ажратилаётган маблағ миқдори ҳам йил сайин ошириб борилмоқда. Чунки инсон соғлиғи ҳамма нарсадан устун.

Шу билан бирга, ишчи ва мутахассисларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида уларни махсус дастур асосида ўқитиб, аттестациядан ўтказаяпмиз.

Кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари, вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар эса моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилмоқда. Уларнинг тўй ва маъракаларини ўтказишда мурувват ёрдамлари кўрсатилаяпти.

Ишчиларимиз, шунингдек, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган. Уларга ҳар ойда иш ҳақидан ташқари мукофот пули ҳам бериб борилмоқда.

Жамиятимиз зиммасига ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари бўлмиш фермерларни қўллаб-қувватлаш, моддий-техника ресурслари, жумладан, минерал ўғитлар билан узлуксиз таъминлаш, шу тариқа уларнинг қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришлари учун барча шароитларни яратиб бериш вазифалари юкланган экан, ҳозирги кунда биз шу ниятда жойларда белни маҳкам боғлаб меҳнат қилаяпмиз, яъни деҳқонларга мададкор бўлаяпмиз.

**У. НАВРЎЗОВ ёзиб олди.** t

---

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Соғлиғи ёмонлашгани туфайли

Германияда ўтаётган «катта саккизлик» давлатлари саммитида иштирок этаётган Жорж Буш кутилмаганда соғлиғи ёмонлашгани туфайли учрашувни тарк этиб, ўзи учун ажратилган меҳмонхонага келди. Манбада уни нима безовта қилаётгани ҳақида бирор маълумот йўқ. У кеча эрталаб Франция Президенти Николя Саркози билан учрашиб, музокаралар олиб борди. Жорж Бушнинг саммит якунлангандан сўнг режалаштирилган Польшага сафари ҳозирча бекор қилингани йўқ.

### Байрутда яна портлаш



Ливанда юз берган портлаш оқибатида 6 нафар тинч аҳоли қурбон бўлди. Портловчи модда тўлдирилган автомобиль Байрут яқинидаги фабрикалардан бирининг ёнига қўйиб кетилган ва масофадан туриб портлатиб юборилган. Полиция маълумотларига кўра, портлашдан сўнг фабрикада кучли ёнғин бошланган. Таъкидлаш керакки, шу йилнинг 20 майидан буён Ливанда саккиз маротаба портлаш рўй берди.

### Пора эвазига...

БМТнинг таъминот масалалари бўйича шуғулланувчи раҳбарларидан бири Санджай Бахель коррупцияда айбдор деб топилди. Айблов хулосасида айтилишича, Бахель турли фирмалар эгалари билан пора эвазига халқаро ҳамжамият девони учун керакли маҳсулотларни харид қилишда фойдали шартномалар имзолаган.

Бахель ўз лавозимида ишлаб юрган кезларида жами 50 миллион долларлик шартнома имзолаган эди. Бахель фирибгарлиги учун 95 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

### Ракета синовдан ўтказилди



Шимолий Кореяда яқин масофага ҳаракатланувчи ракета синовдан ўтказилди. Бу ҳақда Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги журналистларга маълум қилди. Бироқ ҳали бу маълумотга аниқлик киритилмаган.

Эслатиб ўтамиз, Пхеньяннинг ядро каллакларини белгиланган манзилга элтувчи ракеталар яратишга интилиши халқаро ҳамжамиятда катта хавотир уйғотмоқда.

### Радиолар фаолияти тўхтатилди

Исроил ҳукумати яширинча ишлаётган Фаластин радиолар фаолиятини тўхтатиб қўйди. Ушбу радио тўлқинлари «Бен Гурион» аэропорти диспетчерларининг самолётлар билан алоқа ўрнатишига халақит берган. Сўнгги икки кун давомида мазкур радиолар туфайли аэропортда бир неча авиақатновлар бекор қилинди. Аэропорт раҳбарияти вакилининг билдиришича, учувчилар самолётларни қўндираётган пайтда диспетчерлар буйруғини эшитиш ўрнига мусиқа тинглашган...

Жорий йил бошидан буён Исроил ҳукумати 50 га яқин яширин радиоларни ёпди.

### Гумондорлар ҳибсда

Италия ҳукумати жазоирлик террорчиларни қўллаб-қувватлаганликда гумон қилинган 10 нафар кишини қамоққа олди. Дастлабки суриштирув маълумотларига кўра, гумон қилинаётганлар шу йил январда Тунисда ва апрелда Жазоирда амалга оширилган терактларга алоқадорликда айбланмоқда.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

---

БАҲРАЙН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ:

# «ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ГАНЖИНАСИДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

сидаги ҳамкорлик ҳам истиқболли йўналишлардан биридир. Бу — Баҳрайн фуқароларига ажойиб мамлакатингизга ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва шу каби кўплаб бошқа нодир шаҳарларини зиёрат қилиш имконини беради. Шунингдек, «Gulf Air» ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниялари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам кўзда тутилмоқда.

**— Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганидан хабарингиз бор. Бу воқеани Сиз қандай баҳолайсиз?**

— Биз ISESCOнинг Тошкентни 2007 йилдаги ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Айни пайтда Тошкент доимо ислом маданиятининг пойтахти, ислом янгиланиши, тикланиши, тараққиёти, уйғунлиги ва бағрикенглик маркази бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

ISESCO қарори бу шаҳарда мавжуд бўлган қадимий ислом анъаналарининг, ўзбек халқи муносиб равишда босиб ўтган шонли тарихий йўлнинг яна бир эътирофидир. Биз Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган тадбирларда иштирок этишга кўтаринки руҳ билан ҳозирлик кўрмоқдамиз.

**— Вазир жаноблари, 1 сентябрь куни Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлайди. Ўтган давр мобайнида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақил Ўзбекистон босиб ўтган йўлга Сиз қандай баҳо берган бўлур эдингиз?**

— Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи босиб ўтган йўл диққатга сазовордир. Бунда, айниқса, ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга молик.

Тошкентни, Самарқанд ва у ердаги Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш давомида олган таассуротларимизни бир сўз билан ифодалашимиз мушкул. Ўзбек халқи ўзининг тарихий ва исломий мероси билан фахрланишга ҳақлидир. Биз ҳам сизлар билан бирга фахрланамиз.

***Жамшид МУТАЛОВ,* «Жаҳон» АА мухбири.**

---

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг ўн олти йиллигини кенг нишонлаш, мамлакатимиз истиқлолини тараннум этадиган янги қўшиқ ва мусиқий асарлар яратишни рағбатлантириш мақсадида **«Ватан ягонадир, Ватан биттадир»** мавзусида энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар Республика танловини эълон қилади.

# «ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР»

**Танлов уч босқичда ташкил этилади:**

_**I** босқич 2007 йил 20 июндан 5 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади;_

_**II** босқич 6 июлдан 20 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади;_

_**III** босқич 25-31 июль кунлари Тошкент шаҳрида Республика миқёсида ўтказилади._

Танловда ёши, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар Ўзбекистон фуқароси бўлган профессионал, ҳаваскор ижрочилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Республика танлови ғолиблари уч йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

**Биринчи ўрин учун (учта, ҳар бир ғолибга 1 миллион сўмдан) — 3 000 000**

**Иккинчи ўрин учун (учта, ҳар бир ғолибга 800 минг сўмдан) — 2 400 000**

**Учинчи ўрин учун (учта, ҳар бир ғолибга 600 минг сўмдан) — 1 800 000**

**Рағбатлантирувчи мукофотлар (Йигирма битта 400 минг сўмдан) — 8 400 000**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5 уй, 13-қават, 9-хона — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси.
Тел.: 139 43 73; 139 43 50.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОДАЕТ
ПОЛНУЮ ЛИНИЮ
производства Италии
ПО РОЗЛИВУ
(б/у) ВИННОЙ ПРОДУКЦИИ,
включая 13 емкостей по 50 тонн (нержавейка) для виноматериалов.
Телефон 902-02-26.
777Н/293

Фермерлар диққатига!
ТАШКИЛОТ
«AGRIKO» (Голландия) компаниясида етиштирилган биринчи репродукцияли элита ва суперэлита сортли қуйидаги:
эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизере ва бошқа
КАРТОШКА
УРУҒЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ
нақд ва пул ўтказиш йўли билан
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Картошка уруғлик материали қуйидаги манзилда жойлашган омбордан сотилади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» ҚФЙ, «Лойиҳачи» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — «Назарбек» божхона пости.
Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.
816Р/1013

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ
«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
2007 йил 13 июль куни соат 15.00 да
«Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қўйилмоқда:

Суд ижрочиларининг Фарғона шаҳар бўлинмаси томонидан 2006 йил 29 сентябрдаги 15-06-01/11246-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Фарғона шаҳар, ДСК «Саховат 2000» ҚКга тегишли, Фарғона вилояти, Қиргули туманида жойлашган «Кран-10с-16,5-12VI ТУ24-9-455-76» русумли илмоқли (крюковой) кран (юк кўтариши — 10 тонна) — 2 та, _ҳар биттасининг бошланғич баҳоси —41 132 295 сўмдан._

Мулк 2007 йил 13 июль кунидаги савдода сотилмай қолса, савдолар 2007 йил 17, 20, 24, 27 ва 31 июль кунлари давом этади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамларга тўлашлари шарт:
_— жисмоний шахслар учун транзит ҳ/р 29804000900000493415 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773;_
_— юридик шахслар учун ҳ/р 22622000904234776001 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773._

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Ўзбекистон банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.**

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! АУКЦИОН САВДОСИ!
ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!
**Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят Хўжалик судининг 2006 йил 26 декабрдаги 15-0501/8358-сонли ҳал қилув қарорига асосан «Буюк ипак йўли» АЖ банкрот деб эътироф этилган.**

«Буюк ипак йўли» АЖ кредиторлар қўмитасининг 2007 йил 7 июндаги 7-сонли йиғилиши қарорига асосан қўйилган Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 139-уй манзилида, 6,7 гектар ер майдонида жойлашган кўчмас мулк мужассам холда 2007 йил 9, 12, 16 июль кунлари соат 11.00 да Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй манзилида, аукцион комиссияси иштирокида, объектларнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Буюк ипак йўли» АЖ мол-мулки мулки мажмуа сифатида (хом ипак ишлаб чиқаришга масланган, коммунал шароити мавжуд) чиқарилади.
_Бошланғич баҳоси — 2 250 000 000 (икки миллиард икки юз эллик миллион) сўм._

**Аукцион савдоси шартлари:**
Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққандан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «KAFOLAT RIELT» МЧЖ, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй манзилида қабул қилинади. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган кундан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосига ўз вақтида ариза берган ва сотилаётган объектлар дастлабки баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини тўлаган жисмоний ва юридик шахслар киритилади. Аукцион савдосида қатнашиб, ғолиб чиққан харидорлар объектлар учун тўловларни Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ва банкротликка оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

**Савдода қатнашиш учун керакли ҳужжатлар:**
1. _Жисмоний шахслар учун паспорт ва 10 фоиз закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция)._
2. _Юридик шахслар учун корхона ёки фирма низоми, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг гувоҳномаси ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳокимлик қарори, савдода қатнашувчи шахс (ишончли вакил) паспорти ва 10 фоиз закалат пули тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси)._

Аукционга корхона ёки фирма раҳбари ўрнига унинг ходими қатнашадиган ҳолларда ходим белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома орқали савдода иштирок этади.
Банк реквизитлари: ЎзР ТИФ МБ Фарғона бўлими, МФО 00493, ИНН 205669645, ОКОНХ 84200, ҳ/р 22622000804406764001.
**Мурожаат учун манзил: Фарғона ш., А.Навоий к., 47 «А»-уй. Тел.: 226-45-48.**

Хорижий корхона қуйидаги мутахассисларни доимий
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
- **тўқув машиналари оператори** _(3 сменалик иш, 18 дан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар);_
- **қадоқловчилар** _(2 сменалик иш, 18 дан 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар);_
- **фаррош.**

**Суҳбат Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Беруний кўчаси, 14-уй (эски Заготконтора биноси)да соат 10.00 дан 17.00 гача ўтказилади. Дам олиш куни — якшанба. Мўлжал: 3-автокорхона, «SIBUR» заводи. Суҳбатга келганлар паспорт нусхаси ва фотосурат олиб келишлари шарт.**
**Маълумот учун телефонлар: 215-84-84, 215-85-85. Факс: 215-80-08.**
824Р/1006

Тошкент Молия институти жамоаси Иқтисодий география ва экология кафедраси доценти, меҳнат фахрийси

**Сафар Одилович ИСЛОМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

# Кўнгил хиёбони

*Бугун шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳазратларининг Арбаин ҳадис — қирқ ҳадис асари хусусида икки оғиз сўз айтишни орзу қилдик.*

## ҚИРҚ ЖАВОҲИР

**Мерос**

Навоийнинг назмий дунёси осмон қадар кенг, уммон сингари бепоён. Бу дунёга кирган одам даҳо шоирнинг тафаккури олдида лол қолади. Ул зоти шарифнинг ҳар калимаси дилларни ғафлат уйқусидан уйғотса, бедор кўнгилларни ваҳдоният нури ила зийнатлайди. Ҳар сафар Навоийни мутолаа қилар экансиз, гўё комил инсон мақоми сари бир энлик ёвуқлашгандек бўласиз, тийнатингиз иймон сувидан баҳра олиб, яшнаб кетгандек туюлади.

Энди «Арбаин ҳадис» ҳақида. Маълумки, аслан уни Навоийнинг пири муршиди Абдураҳмон Жомий ҳазратлари таълиф этганлар. Қирқта саҳиҳ ҳадиснинг форсий назмда жаранглаши Навоийни маҳлиё этди, дилида бул битикни туркий алфозда баён этмак ҳаваси туғилди. Навоий ҳадисларни ўгирмакка пиридан ижозат сўради. Пир хушнудлик ила рухсат берди. Негаки, у шогирди ва дўсти Мир Алишернинг ҳар бир савоб ишини олқишлар, хусусан, унинг туркий тил олдидаги буюк хизматларига тан берарди. Жомий "Ҳафт пайкар" достонининг хотимасида шундай ёзади: "У (Навоий) туркий тилда бир ажойиб қўшиқ куйладики, жоду нафаслилар оғзи муҳрланди. Бу қаламга фалакдин офаринлар ёғилсин! ...Э Навоий, сенинг табъинг сўз устодидур. Қаламинг очқичи билан сўз эшигини очдинг. Равнақдан қолиб кетган ва хорлик бурчагидан ўрин олган туркий сўзга янгидан обрў бердинг. Уни ижод майдонига олиб чиқдинг".

Хуллас, пири комил рағбати ва дуоси бирла бир неча кун ичида ҳадислар она тилимизга ўгирилди ва жамики туркий қавмнинг ўлмас мулкига айланди. Бу савоб ишда ҳам биз улуғ бобомизнинг миллат учун, бу миллатнинг келгуси авлоди, яъни биз учун нечоғлик қайғурганига шоҳид бўламиз.

"Арбаин ҳадис", "Чиҳил ҳадис", "Қирқ ҳадис"... Эҳтимол, толиби илмларда, нега қирқта, деган табиий савол туғилиши мумкин. Абдураҳмон Жомий тарафидан бекорга қирқ саҳиҳ ҳадис сайлаб олинмаган. Биз биламизки, қирқ — бу Шарқда, хусусан, ислом оламида муқаддас, анъанавий рақам. Қайсидир маънода бу саноқнинг раббоний хосияти бор. Она қурсоғидаги боланинг шакли-шамойили ўзгариб, қирқ кунда инсон қиёфасига кира бошлайди. Чилтонлар қирқта бўлди. Авлиёлар, сўфийлар қирқ кун чилла ўтирадилар. Муборак "Ёсин" сураси қирқ марта ўқилади. Ва ниҳоят, Аллоҳ таоло одамни тупроқдан яратиб, инсон шаклига келтиргач, унинг устидан қирқ кун раҳмат ёмғирини ёғдирган ва ҳоказо.

Ана шу қирқ ҳадис Навоийнинг беназир қаламидан оро топиб, қирқ рубоий, қирқ жавоҳирга айланди ва мана, беш асрдирки, туркий тилда янграб турибди.

Келинг, ўша жавоҳир дурларидан айримларини биргалашиб қироат қилиб кўрайлик.

**Ҳикмат**

**Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлиғдан яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилик теграсида эврула олмасанг, яхшилар теграсида эврул.**

Алишер НАВОИЙ.

**Ҳадис, рақам 23.** Инсонларнинг яхшиси — одамларга фойдаси тегадиганидур.

**Навоий талқинида:**
***Халқ аро яхшироқ, дединг кимдир?***
***Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин.***
***Яхшироқ бил ани улус ароким,***
***Етса кўпрак улусқа нафъ андин.***

**Ҳадис, рақам 31.** Курашда ғолиб чиққан паҳлавон эмас, балки ғазаби келганда ўзини босиб олган паҳлавон.

**Навоий назмида:**
***Эмас ул паҳлавонки, ўз қадрин —***
***Бош уза элтибон нигун қилғай.***
***Паҳлавон они билки, етса ғазаб***
***Нафси аммораниі забун қилғай.***

**Ҳадис, рақам 37.** Жаннат оналарингиз оёғи остидадур.

**Навоий лафзида:**
***Оналарнинг оёғи остидадур***
***Равзаи жаннату жинон боғи.***
***Равза боғи висолин истар эсанг,***
***Бўл онанинг оёғи туфроғи.***

**Ҳазрат Навоий** "Арбаин"га хотима ясар эканлар, икки байтда дил армонини айтади:
***Етса мақсуд муддао бирла,***
***Мени ёд эткасен дуо бирла —***
***Ки, Навоийға ул дуо еткай.***
***Булбули руҳига наво еткай.***

Биз, буюк бобомизнинг марҳаматидан баҳраманд бўлган унинг авлодлари шеърият гулшанининг булбулидан то абад миннатдормиз.

**Саъдулла СИЁЕВ.**



> *Ҳаёт — имконият, уни бой берма, ҳаёт — гўзалликдир, унга ҳайратланиб боқ! Ҳаёт орзудир, уни рўёбга чиқар. Ҳаёт бурчдир, уни виждонан адо эт! Ҳаёт муҳаббатдир, севиб яшагин. Ҳаёт сир-синоатларга тўла, уни ошкор эт. Ҳаёт фожиадир, унга бардошли бўл. Ҳаёт ҳаётдир, уни қутқарувчи бўл. Ҳаёт бахтдир, уни ўзинг ярат.*
>
> *Ҳаёт буюк неъмат, ўз ҳаётингга зомин бўлма!*
>
> **МОМО ТЕРЕЗА.**

## Дўстга зор бўлган куним...

Муродилла йўқлаб келди. Ўн йил бир синфда ўқиб болаликнинг шўх, шодон дамларини биргаликда ўтказган, вақти келганда, бир кўрпада тепишиб ўсиб, бир майизни бўлишиб еган жўрам, жўражоним! Эшикни шундоқ очсам, остонада турибди, жилмай-и-иб! Бошим кўкларга етиб кетди-е! Ўзи анчадан буён ўхтин-ўхтин эсимга тушиб қолаётган, кўргим келаётганди уни. Ёшликни, болаликни соғингандим.

— Борай ҳам демайсан? Йўқламайсанам, қўнғироқ ҳам қилмайсан бундоқ! Охир ўзим атай ахтариб келдим. Соғ-омонлигингни билай, дедим... — тинмай ёзғирарди Муродилла.

Мен бўлсам, нима деяримни билмай, иш кўплигини, яна алланималарни айтиб узр сўраган бўлар, ғудранардим, ҳаяжондайдим.

— Зап кепсан-да, қуллуқ, қадамингга ҳасанот! — дердим нуқул.

Хотиним елиб-югуриб дастурхон тузади. Мен бўлсам анчадан буён «нозик меҳмонга» деб асраб юрганим беш юлдузли коньякни ўртага қўйдим. Соғ-саломат дийдорлашганимиздан хурсанд бўлиб, алламаҳалгача чақчақлашиб ўтирдик. Олисларда қолиб кетган болалигимизни, синфдош ўртоқларимизни, бугунда кўплари раҳматли бўлиб кетган муаллимларимизни, қизлар билан хат беришиб, хат олишиб юрган ўт-олов дамларимизни эслашдик.

Эрталаб ишга боришим зарур эди. Нонуштадан сўнг синфдошимга юзланиб:

— Ана телевизор, ана китоб тўла жавон. Яхши дискетлар, ажойиб китоблар бор. Кўр, ўқи, дам ол, — дедим, — мен тезда қайтаман. Кейин гурунгимизни қолган жойидан бафуржа давом эттирамиз. Сўнг сўрадим:

— Бир-икки кун бўларсан? Оловга келмагандирсан, ахир?

— Э, йўқ! — деди дўстим, — вазирликка иш билан келгандим, кеча кечқурун ишларимни битказиб, қаерда қолсам экан, деб турган чоғимда, бирдан лоп этиб эсимга тушиб қолдинг. Бугун қайтмасам бўлмайди...

Дўстим ундан буёғига нима деди, нима қўйди, қандай жўнаб кетди, ўзим хайрлашаётиб унга нима дедим? Билмайман, рости.

**Инсон манзаралари**



Аввалги кайфиятимдан асар ҳам қолмаган, эзгин бир ҳолатда эдим...

## Миннатли ош татимас

Жўрамурод ака билан йўлимиз бир бўлгани учунми, ора-сира учрашиб турардик. Бир куни у киши қўнғироқ қилиб, олдинига кун ҳаддан зиёд исиб кетганидан зорланди. Кейин кутилмаганда тоғдаги дала ҳовлисига, бир пиёла чойга таклиф қилди.

— Бу дунё ишларининг охирига ким етибдики, сиз билан биз етсак, — деди у, — келинг, дўстим! Ҳамма иш-у ташвишларни бир зум унутинг-у, машинангизга ўтириб биз томон учинг! Бир мазза қилайлик!

Ноилож бордим. Ўзимиз бор-йўғи икки кишимиз-у дастурхон ўн кишига мўлжаллаб безалган, таърифи етти иқлимга кетган Самарқанднинг пўлоти нонидан тортиб, Қўқоннинг қовунию, қуруқ меваси, Сурхон тандир кабоби, Қаршининг қази-қартаси, мева-чева, ширинлик деганнинг туридан бор. Баланд-паст, ранго-ранг, япалоғу юмалоқ, учбурчаг-у тўртбурчак шишаларни айтмаса ҳам бўлади. Жўрамурод аканинг менга бўлган ҳурмат-у ихлосидан бошим кўкка етиб ўтирибман. Шу пайт қайноққина нўхатли шўрва тортилди. Кейин бедана кабоб-у Конигил гуручига ош... роса мириқиб, яйрадим-да ўзиям.

Зиёфат охирлаб, офтоб ғарбга томон оғганда қаршимда ўтирган акамиз ёнимга ўтди. У ичкилик таъсириданми, қизариб, буғриниб кетганди.

— Шу... Мени тўғри тушунасиз деб ўйлайман, — деди у семиз, терчираган қўлларини бамайлихотир елкамга ташлаб.

— Хўш-хўш? — дедим сергак тортиб.

— Анави... Туман судининг раиси яқин оғайнингиз бўлади-а?

— Ҳа, нимайди? — дедим ҳеч нарсага тушунолмай.

— Шунга... Жиянимизни иши тушиб турибди. Машинасида авария қилиб... Хуллас, биттаси «капут» бўлганда. Келаси жума суди. Ёш бола жувонмарг бўлиб кетмаса дейман... Бир оғиз оғайнингизнинг қулоғига шипшитиб қўйсангиз дегандим...

Ток ургандай сесканиб тушдим.

Мен учун энди бу тўкин дастурхон буткул оҳорини йўқотган, еган ноз-неъматларим ҳам гўёки заҳар-заққумга айланган эди...

**Нодир НАРЗУЛЛАЕВ.**




***Беғубор ёшлик фасли сеҳрми, синоатми?..***

**Т. ҚУРБОНБОЕВ** сурат-лавҳаси.

Биласизми?

## Нон шифо ҳамдир



■ *Қайси хилдаги нон бўлмасин, уни кўп еган одам кўп ҳаракат қилиши жуда-жуда зарурдир. Боқи-беғамлик билан кўп нон еган одам ортиқча семириб кетади, юрагини ёғ босади... Нон ва бошқа хамир овқатлардан сомса, чучвара, норин, лағмон каби таомлар серҳаракат, чаққон одамлар учун жуда фойдалидир, аксинча, дангасалар учун кони зарардир.*

■ *Хамири сутга қорилган нон барча касалликлар учун парҳез ўрнига ўтади, бироқ ортиқча тўйиб емай, оз-оз тамадди қилингани фойдалироқдир.*

■ *Милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа, қаттиқ нонни чайнаш керак.*

■ *Фасодли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйилса, фойда қилади.*

■ *Сариқ касалига чалинган одам анор шарбатига ботирилган қаттиқ нонни ейиши керак.*

## Кимнинг юраги кўп уради?

Инсоннинг юраги бир дақиқада 68-70 маротаба уради. Аммо кўпчилик ҳайвонларда юрак уриши унинг танасига боғлиқ. Қайси ҳайвоннинг танаси қанча катта бўлса, унинг юраги шунча астароқ урар экан. Масалан, филнинг юраги дақиқасига 25-40 маротаба урса, сичқонники 520 дан 780 маротабагача урар экан.

**Ҳ. ЮСУПОВ** тайёрлади.

Кўзгу олдида

## Соч нега оқаради?

*Одатда сочга оқ оралашини қарилик нишонасига йўямиз. Бироқ ёш қиз-жувонлар, йигитларнинг сочига ҳам оқ тушиши мумкин. Бу ҳол кўпинча асаб тизими билан эндокрин тизими фаолияти бузилишига, шунингдек, организмдаги витаминлар алмашинувига чамбарчас боғлиқ.*

*Сочим барвақт оқармасин десангиз, аввало вужудингизни, айниқса, асаб тизимини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг ва овқатланиш тартиби-ю меъёрларни бузманг.*

**Н. ҲАМРОЕВ тайёрлади.**



**Хажвия**

## ХОРИЖЧА ТУШ

Ҳозирги даврда бирорта хорижий тилни билмаган одам қийналиб қолади, дерди ўқитувчимиз. Тўғри айтган экан. Мана, мен ҳам тилни билмаганим учун қийналиб ўтирибман. Ўзимнинг шу кеча кўрган тушимни тушунолмай бошим гаранг, асабим таранг бўлиб кетди. Ўтган куниям шунақа бўлувди. Чунки, тушларни ўзим билмаган тилда кўряпман-да.

Аҳволимдан хабар топгач, онам бечора ташвишга тушиб қолди. Шифокорга олиб бормоқчи бўлувди унамадим. Баттар таажжубланганча секин сўради:

— Вой, болагинам-эй. Тушларингнинг ҳаммаси хорижчами?

— Э-э, қўяверинг, — дедиму қўл силтаб нари кетдим.

Аслида тушимни унча-мунча ўзбекча жойлари ҳам бор. Лекин, шундай нарсаларки, бировга айтгани хижолат бўласан. Кўнгли тинчимаган онам ишга отланаётган отамнинг ортидан чиқиб алланималарни шивирлади.

— Ўзидан кўрсин, — деди отам сал жаҳли чиққандай. — Элчихонанинг атрофида ўралашиб юргандан кейин шунақа бўлади-да.

— Элчихонанинг?.. — деди онам ҳайрат билан кўзларини катта-катта очиб.

— Ҳа. Ишхонамиздагилар айтишди. Ўша ердаги таржимон қиздан тил ўрганаётган эмиш.

— Вой, худойим-эй, шунақа денг. Хаёлимга бир зумда нималар келмади-я. Ўрганса яхши-да, дадаси. Лекин, касали...

— Қўявер, бунингнинг касали хавфли эмас. Ўтиб кетади, — деди отам сирли жилмайиб. — Дўхтирини ҳам ўзи топяпти, шекилли.

Онам ҳеч нарсага тушунмай бир отамга, бир менга қараб қолаверди. Бироқ отам дарров қаёқдан билақолдийкин?.. Чиндан ҳам ўша таржимон қиз ишхонамизга хорижлик меҳмонлар билан келиб, уларнинг гапларини ўгириб турганда жуда ҳавасим келувди. Хорижий тилда бийрон сўзлашадиган бу кўҳликкина қиз бўш пайтларида қизиқувчиларга тил ўргатар экан. Дарров манзили ва телефонларини сўраб ёзиб олувдим. Бир ойдирки, ундан инглиз тилидан сабоқ оляпман.

Машғулотлар анча чарчатаяпти. Бунинг устига кунора ғалати тушлар кўриб чиқишим қизиқ бўляпти-да. Бунақа ҳайратланарли гапларни ичингда сақлаб туриш ҳам қийин экан. Кўнглим тўлиб кетиб, бир-иккита оғзи маҳкамроқ оғайниларимга, ҳеч кимга айтмаслик шарти билан, хорижча тушларим ҳақида жиндай ёрилувдим. Бекор қилган эканман. Мана энди, улар ҳам кимлардир, бировга гуллаб қўймасликларини тайинлаб, хушхабарлаганлар, шекилли. Ўз навбатида, бошқалар ҳам узунқулоқ гапларни урчитиб юборишибди. Оқибатда менинг тушларим ҳақидаги гаплар бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди. Кўча-кўйда, гузарларда одамларнинг айримлари кулиб, баъзилари раҳми келгандай қараб қолганларида ўзимни қўйгани жой тополмайман.

Булар ҳам майлику-я, аллақандай халқаро жамиятнинг журнали таҳририятидан келган мухбирларнинг гапларига чидаб туролмадим. Содир бўлган ноёб ҳодиса ҳақида материаллар тўплашмоқчи эмиш. Бунинг учун ухлаётганимни, туш кўраётганимни кузатишлари, тасвирга туширишлари керак экан. Хунобим ошиб ҳаммасини аввал ўзбекча, кейин хорижчалаб луғатларда ҳам йўқ сўзлар билан сўкиб, қувиб солдим.

Ана шундан кейин тилим анча бурро бўлиб қолгандай туюлиб, таржимон қиз ҳузурига тез-тез борадиган бўлдим. Ўзиям менга тилни ўргатаман деб роса ҳаракат қилаяпти. Лекин, ҳар қанча уринмай «I love you»дан бошқасига тилим келмаяпти. Дунёнинг ишлари шунақа-да. Бир-биримизнинг тилимизни тушунгунимизча анча-мунча вақт ўтиб кетади.

Бу ёқда баъзи кунлари миш-мишларни ошириб-тошириб сўзлайдиган қўшни хотинларнинг олди-қочди гапларини эслаб онам жиндай кўз ёши ҳам қилиб олади ва «ишқилиб, Яратганнинг ўзи охирини бахайр қилсин», — деб қўяди. Оналарнинг тилаги ижобат бўлади, деганлари тўғри экан. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиб кетди.

Гапни чўзмай, тўғрисини айтиб қўя қолай. Хорижий тилни унча яхши ўрганолмадим. Лекин, афсусланмайман. Қийналаётганим ҳам йўқ. Чунки ўша таржимон қиз келинойингиз бўлиб қолди. Энди тушларни бирга кўряпмиз.

**Ҳабиб СИДДИҚ.**

## Латифалар

Икки таниш учрашиб қолишди.
— Кеча хотинимни «Отелло»ни кўргани олиб бордим.
— Маданий дам олиш учунми?
— Йўқ. Огоҳлантириш учун.

### Келин сепига ...трактор

**Ёш фермер уйланмоқчи эканлиги ҳақида газетада эълон берди. Тез орада у бир қиздан мактуб олди, унда фермерга турмушга чиқишга қарши эмаслигини, бундан ташқари отаси сепига битта трактор беришга тайёрлиги ҳақида ёзилган эди. Бир кундан кейин қиз телеграмма олди: «Зудлик билан тракторнинг суратини юборинг!»**




Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5